

01/02-05-03.

20. 01. 2020



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Самарқанд вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

С. Абирахматов

2020 йил “20” январь

**Самарқанд вилояти статистика бошқармаси
тизимида 2020 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

T/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар
I. Аҳолининг, шу жумладан статистика ҳисботларини топширувчи, статистика кузатувларида иштирок этувчи субъектларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз мунисабатни шакллантириш				
1.	Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган Давлат дастурлари ва бошка қонун хужжатларининг мазмун моҳиятини тушунтиришга багишинган тадбирларни ташкил этиш.	Аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, жумладан Давлат статистика ҳисботларини топширувчи, статистика кузатувларида иштирок этувчи субъектлар ва тизим ходимлари иштирокида давра сухбатлари, семинарлар, конференциялар, тренинглар ва бошка тадбирларни ташкил этиш.	2020 йил давомида (хар чорақда камидан биттадан)	Ш.Абдиев, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Идоравий комиссия (кейинги ўринларда - Идоравий комиссия), шаҳар ва туман статистика бўлимлари
2.	Вилоят статистика органлари ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишлари, ўз касбига нисбатан масъулият хиссини ошириш, юқлатилган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда ҳалоллик, холислик, бегаразлик тамойилларига риоя қилишларини таъминлашга ҳамда локайдлик ва бошка салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.	1. Ходимлар ўртасида Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш. 2. Одоб-ахлоқ қоидаларини тушунтиришга, ходимларнинг ўз касбига нисбатан масъулият хиссини оширишга, ҳалоллик, холислик, бегаразлик тамойилларига риоя қилиш ва салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган семинар, давра сухбатлари ташкил этиш.	2020 йил давомида	Г.Мухамадиева, Одоб-ахлоқ комиссияси, шаҳар ва туман статистика бўлимлари
3.	Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган кўргазмали ва тарқатма	1. Кўргазмали материаллар (плакатлар, баннерлар, рисолалар, буклетлар, инфографикалар ва бошқалар) ни тайёрлаш.	Доимий	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, Э.Темиров,

T/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажаринш муддатлари	Масъуллар
	материаллар (плакатлар, баннерлар, буклетлар ва бошқалар)ни тайёрлаш ва тарқатиш.	2. Тайёрланган материалларни ахолига, тадбиркорлик субъектлари вакилларига, Давлат статистика ҳисоботини топширувчи субъектлар вакилларига тарқатиш.		Х.Холмўминов, Идоравий комиссия, шаҳар ва туман статистика бўлимлари
4.	Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижалари бўйича оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш.	Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг ахборот-тарғибот ишларини олиб бориша вилоят телерадиокомпанияси билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш ва ишлаш.	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, У.Садиров, М.Бўриева, Идоравий комиссия
5.	Вилоят статистика бошқармасининг расмий веб-сайтларида Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияларнинг фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида уларнинг саҳифаларини очиш ва уларнинг самарали ишлашини таъминлаш.	Идоравий комиссиялар саҳифаларининг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида кўйидагиларни эълон қилиб бориш: - коррупцияга қарши тадбирлар ҳақида ҳисобот ва маълумотлар; - коррупциянинг тарқалиши ва идрок этилиши ҳақида ижтимоий ва илмий тадқиқотлар натижалари; - маълумот, методик ва ахборот материаллари; коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни муҳокама қилиш учун жамоатчилик билан қайта алоқа механизмлари ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари.	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, М.Бўриева, У.Садиров, Х.Холмўминов, Идоравий комиссия
6.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида Давлат статистика органлари мансабдор шахслари ва ходимларининг хукуқий саводхонлиги ва хукуқий билимларини оширишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш.	Тизим раҳбар ва ходимлари томонидан мансаб ваколатларини сунистеъмол қилишга йўл қўймаслик, коррупция ҳолатларини олдини олиш, амалдаги қонунчилик хужожатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида, уларга норматив- хукуқий хужожатларнинг мазмуни ва аҳамиятини чукур етказиш бўйича семинар ва давра сухбатлари ташкил этиш.	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, Э.Темиров, Х.Холмўминов, Идоравий комиссия, шаҳар ва туман статистика бўлимлари
7.	Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш соҳасида давлат статистика органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шерисликни янада мустаҳкамлаш.	Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан келишувлар ва шартномалар тузиш, ҳамда улар доирасида ўзаро шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш.	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, Х.Холмўминов, Э.Темиров, Идоравий комиссия
II. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар				
8.	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг	Қонун талабларидан келиб чиқсан ҳолда статистика органларининг фаолияти очиқлиги ва	2020 йил июль,	Ахборот хизмати, Идоравий комиссия

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар
	очиқлиги түғрисида"ти Қонуни талабарининг ижроси ҳолатини ўрганиш, статистика органлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш.	шаффоғлигини ҳар олти ойда бир мартадан мониторинг қилиш ва баҳолаш.	2021 йил январь	
9.	Вилоят статистика органларида коррупция хавфига дучор бўлган соҳа ва йўналишларни аниклаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл кўймасликнинг таъсирчан чораларини кўриш, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни, шарт-шароитларни ўқ қилиш асосида коррупциянинг олдини олиш бўйича зарур чораларни амалга ошириш.	1. Вилоят статистика органлари томонидан коррупция хавфи юқори бўлган йўналишларни аниклаш ва бартараф этиш чораларини кўриш. 2. Тизим ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл кўймасликнинг таъсирчан чораларини кўриш асосида коррупциянинг олдини олиш бўйича зарур тадбирларни белгилаш.	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, Идоравий комиссия
10.	Вилоят статистика бошқармаси мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини ва самарадорлик мезонларини баҳолашни амалга ошириш.	Вилоят статистика бошқармаси мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини ва самарадорлик мезонларини баҳолаш тизимини ва стандартларини самарадорлик мезонларини белгилаш регламенти талаблари асосида коорупцияни олдини олиш бўйича йилда бир марта баҳолаш ўтказиш.	2020 йил декабр	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, Х.Холмўминов
11.	Вилоят статистика бошқармаси тизими ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши мониторингини ўтказиш, ушбу соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида таклифлар тайёрлаш.	Вилоят статистика бошқармасининг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан тизим ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши мониторингини ўтказиш ва унинг натижаларини Одоб-ахлоқ комиссияси ва Идоравий комиссия йигилишларида муҳокама қилиш.	2020 йил июль, 2021 йил январь	Одоб-ахлоқ комиссияси, Кадрлар бўлими
12.	Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш (жумладан антикоррупцион экспертизадан ўтказиш).	Вилоят статистика бошқармасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш (жумладан антикоррупцион экспертизадан ўтказиш).	2020 йил давомида	Бош юрисконсульт
III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниклаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш				
13.	Вилоят статистика органлари билан жамоатчилик ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш	Вилоят статистика органлари ва жамоатчилик ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш,	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, З.Давронов,

T/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар
	бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, Ишонч телефонлари иш самарадорлигини таъминлаш.	вилоят статистика бошқармасидаги Ишонч телефонлар самарадорлигини ошириш ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш ҳамда келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва статистикасини юритиш.		Х.Холмўминов
14.	Вилоят статистика бошқармасида фаолият юритаётган "Ишонч телефонлар"ининг ишлаш самарадорлигини маниторинг қилиш.	Вилоят статистика бошқармасида фаолият юритаётган "Ишонч телефонлар"ининг ишлаш ҳолатини танланма равишда маниторинг қилиш ва натижаларни идоравий комиссиянинг йигилишларида муҳокама қилиш.	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, З.Давронов, Идоравий комиссия
15.	Вилоят статистика органларининг масъул ходимлари томонидан ишга қабул қилингандан сўнг ҳамда муаян вақт ўтганидан сўнг, касбий Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коорупцияга қарши курашишнинг бошқа ўнналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини мажбурий тарзда ўташ тартибини жорий этиш.	Коорупцияга қарши курашишнинг бошқа ўнналишлари бўйича вилоят статистика бошқармасида қисқа муддатли ўқув курсларини ўташ тартибини жорий этиш.	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, Г.Мухамадиева, Э.Темиров, Идоравий комиссия
IV. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар, тадқиқотлар ўтказиш				
16.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда "9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши кураш куни"га бағишлиланган "Очиқ эшиклар куни"ни ўтказиш.	Вилоят статистика бошқармаси тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги етук мутахассисларни жалб қилган ҳолда "9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши кураш куни"га бағишлиланган "Очиқ эшиклар куни"ни ўтказиш.	2020 йил 10 декабргача	Идоравий комиссия, шаҳар ва туман статистика бўлимлари
17.	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ)нинг тавсияларини бажариш бўйича тасдиқланган харакатлар режасида назарда тутилган вазифаларни ҳар томонлама ижросини таъминлаш.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ИҲТТнинг тавсияларини бажариш бўйича "Йўл харитаси"да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш.	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, Х.Холмўминов, Идоравий комиссия, шаҳар ва туман статистика бўлимлари
18.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари, чора-тадбирлар режалари ва соҳага доир бошқа хужжатларда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини муҳокама ва таҳлил қилиш, келгусида ушбу соҳада ташкилий-амалий ва хукуқий механизмларнинг самарадорлигини ошириш бўйича зарур чораларни кўриш.	1. Ҳар чорак якунлари бўйича амалга оширилган ишлар натижалари бўйича мониторинг ўтказиш, таҳлил қилиш. 2. Бошқарма ва шаҳар, туман статистика органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияларининг йигилишларида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар натижаларини муҳокамасини ташкил этиш ҳамда	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, Х.Холмўминов, Идоравий комиссия, шаҳар ва туман статистика бўлимлари

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар
		келгусида амалга ошириладиган зарур вазифаларни белгилаб бориш.		
19.	Коррупцияга қарши курашиш Давлат Дастиурининг вилоят статистика бошқармаси тизимида ижро этилиши бўйича ахборотларни ҳар чорак якуни бўйича Давлат статистика қўмитасига ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясига киритиб бориш.	Коррупцияга қарши курашиш Давлат Дастиурининг вилоят статистика бошқармаси тизимида ижро этилиши бўйича ахборотларни ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 3 санасигача Давлат статиситика қўмитасига ва Коррупцияга карши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясига киритиб бориш.	2020 йил давомида	Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, Х.Холмўминов, Идоравий комиссия